КПСС XXV СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 231 (5580).

25 НОЯБРЬ СЕШАНБА

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

СЎНГГИ ГРАММГАЧА

ОҚҚЎРҒОН. Охунбобоев номли колхоз деҳқонлари ҳосилнинг сўнгги граммигача нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун курашмоқдалар. Хўжаликда кўрак чувиш машиналаридан самарали фойдаланилаяпти. Ортиқой Унгарова, Зубайда Шойзоқова, Хувайда Жуманова, Эсоной Ахтамоваларга ўхшаш чевар теримчилар ҳам зиммаларига олган мажбуриятларини ортиги билан бажариб, эндиликда кўрак теришда фаол қатнашяптилар.

Колхозда йиғим-терим давом эттирилиши билан бирга 1976 йил мўл ҳосилига тайёргарлик кўриш ҳам қизғин тус олди. Ҳосилдан бўшаган майдонлар пешма-пеш шудгор қилинаяпти, ғўзапоялар йиғиштириб олиниб, дала четларига чиқарилмоқда. Минерал ўғитлар ташиб келтирилаётир.

Э. ТУРСУНОВ.

ЧОРВАДОРЛАР ЗАФАРИ

КАЛИНИН. Райондаги «Москва» колхозининг чорвадорлари КПСС XXV съезди шарафига бошланган соцналистик мусобақада актив қатнашиб, йиллик сут топшириш планини оширибб бажардилар. 265 ўрнига 270 тоннадан зиёдроқ сут сотилди. Серқаймоқ сут топширишда Х. Икромова, М. Ҳамидова, Ҳ. Иброҳимова каби сут соғувчилар катта ғалабани қўлга киритдилар. Улар ҳар бир сигирдан сут соғиб 3 миг килограммдан оширибб олдилар. Яқин кунлар ичида зиммага олинган соцналистик мажбурнятларнни ортиғи билан бажарадилар.

Чорвадорлар молларни боқиш ва қишловдан соғлом олиб чиқиш учун барча чораларнк кўрмоқдалар. Бу ерда озуқа рационига тўла риоя қилиннши туфайли сут булоғи борган сари кўпаяётир.

М. ҒАНИЕВ.

* * *

ШУДГОРЛАШ ИЛҒОРЛАРИ

Шу райондаги Ильич номли колхоз деҳқонлари экинлардан бўшаган ерларни пешма-пеш шудгор қилиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Э. Кенжаев, Р. Қамбаров, Т. Ҳасанов каби механизаторлар шудгорлашни сифатли ўтказиб, кундалик нормаларнни 1,5 бараварга етказиб адо этишяпти.

Т. ЖЎРАЕВ.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ «ТИНЧЛИК ОЛТИН МЕДАЛИ» БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ

Жаҳон тинчлик кенгаши президиуми Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневни тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг олий мукофоти Ф. Жолио-Кюри номидаги «Тинчлик олтин медали» билан мукофотлаш ҳақида қарор қабул қилди. Бу тўғридаги қарорни жаҳон тинчлик кенгашининг бош секретари Р. Чандра тинчлик миллий ҳаракатлари вакилларининг жаҳон конференциясида эълон қилди.

Жаҳон тинчлик кенгаши президиуми ўртоқ Л. И. Брежневга олий мукофот берилиши муносабати билан қабул қилган қарорида айтиладики, тинчлик тарафдорлари ҳозирги замонинг атоқли сиёсий арбоби Л. И. Брежневга чуқур ташаккур ҳислари билан тўлиб тошмоқдалар, чунки у КПСС XXIV съездида қабул қилинган Тинчлик программасида қўйилган жуда катта вазифаларни амалга ошириш йўлида собитқадамлик билан ҳормай-толмай ишлаб келмоқда. Қарорда жаҳонда кескинликни юмшатиш учун, тинч-тотув яшаш принципларини қарор топдириш учун, халқаро хавфсизликни ҳамда давлатлар ва халқлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришни таъминлаш учун олиб борилаётган курашда Л. И. Брежнев ҳормай-толмай жуда катта ғайрат кўрсатганлиги уқтириб ўтилди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган тарихий кенгашнинг муваффақияти кўп жиҳатдан Л. И. Брежнев номи билан боғланган.

Л. И. Брежневга берилган мукофот, дейнлади Жаҳон тинчлик кенгаши президиумининг қарорида, тинчлик учун курашга Совет Иттифоқи томонидан қўшилган алоҳида ҳиссага халқларнинг юксак баҳо берганликларини ифодалайди.

(ТАСС).



Кузнинг шу долзарб кунларида Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз деҳқонлари ҳам дала ишларини уюшқоқлик билан ташкил этмоқдалар. Ҳосилнинг бирор граммини ҳам қолдирмай йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш учун кураш давом этмоқда. Колхозчилар ва шаҳарлик ёрдамчилар ҳамкорликда бор ҳосилни терио олмоқдалар. Колхознинг К. Миржалилов бошлиқ бригада пахтакорлари 60 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан оширибб пахта йиғиб олдилар. Бригадирнинг ўзи «зангорн кема» бункеридан 150 тоннадан ортиқ пахта тўкди.

Ҳозир далаларда ҳосилдан бўшаган майдоларни пешма-пеш ўғитлаш ва шудгорлаш ишлари олиб борилмоқда. Ҳар бир механизатор ерни белгиланган чуқурликда, сифатли ҳайдашга эътибор бермоқда. Бу билан улар келгуси йил ҳосилига пухта замин ҳозирламоқдалар. Суратда: механизатор К. Миржалилов.

А. Мальцев фотоси.

УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР

ХУРИЛАР қишлоққа янги кўчиб келган вақт. Аввалларн шаҳарда яшаганлиги сабабли сигир қандай соғилишини ҳам билмасди. Қўшнилари сигир соғишса ҳавас билан қараб турарди. Бу ҳавас уни колхоз фермасига етаклади.

— Сиз шаҳарда ўсган бўлсангиз соғувчилик қила олармикансиз? Ҳа, майли, ишлаб кўрингчи, — деди ферма мудири жиддий оҳангда.

— Биринчи куни беш бош сигирдан 5 литр сут соғиб олдим. Кейинги кунлари 10 литрга етди, дейди Хури Қосимова дастлабки иш кунларини эслаб.

У синовдан муваффақиятли ўтди. Ферма коллективи унинг меҳнатсеварлигига ишонч ҳосил қилгач, 30 бош сигирни биркитиб беришди. Энди ҳар куни сигирлардан кўплаб сут соғиб ола бошлади.

Фермадагилар, колхоз раҳбарлари сигирларнинг зотини яхшилашга киришдилар. Эстониядан зотли ғунажинлар келтирилди. Хури Қосимовага ҳам улардан 20 боши биркитилди. У ҳар бир сигирни яхши парваринн қила бошлади.

Хури Қосимова ҳаётида 1970 йил ўчмас из қолдирди. У ўша йили КПСС аъзолигига қабул қилинди. Бу воқеа унинг ғайратига-ғайрат, кучига-куч қўшди. У бугунги кун кечагисидан, эртага — бугунгисидан самаралироқ бўлиши учун ҳаракат қилди.

Айниқса 1972 йилда ўрнатилган соғиш аппарати унинг ишини янада унумлироқ қилди. Энди ҳар бир сигирни соғиш учун 15—20 минут эмас, атиги 5—6 минут сарфланадиган бўлди.

Хури Қосимова ҳали тонг жарчилари— хўрозлар қичқирмасдан ферма сари йўл олади. Қуёш анча кўтарилган пайтда ишдан қайтади. Ишдан келган замоноқ, яна рўзғор юмушига шўнғийди. Болалар тарбияси, оиладаги ҳар хил юмушларнинг барчасини бажаради.

— Хури Қосимова — фермамизнинг энг илғор соғувчиси. У тиним билмайди. Юмушлар кўп бўлса ҳам нолимайди, — дейди ферма зоотехниги Тўлаган Қуролбоев.

Иил бошида Қосимова ўзига биркитилган 20 бош сигирнинг ҳар биридан 5000 литрдан сут соғиб олишга сўз берган эди. У ўн ойда ҳар бош сигирдан 4000 литрдан сут соғиб олди. 20 бош сигирдан 21 бош соғлом бузоқ боқиляпти. Хури опанинг Хадича Тўхтасинова, Жамила Турғунбоева, Шангиш Қуролбоева, Тўхтахон Жўраева сингари меҳнатсевар шогирдлари бор.

Хури опа чиндан меҳнатсевар, меҳрибон устоз, жонкуяр она.

Хури опанинг таълимини олган Хадича Тўхтасинова ҳам КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш мақсадида ташаббус билан меҳнат қилаётир. Унга 15 бош сигир биркитилган. Ҳар бир сигирдан 3500 литрдан сут соғиб олишга ваъда берди. У шу кунгача ҳар бош сигирдан 3000 литрдан ошириб сут соғиб олишга эришди.

Фермада Хури опадек меҳнатсеварлар кўп. Бузоқ боқувчи Гулсара Бердиева, молбоқар Турғун Жўраев, Удушбой Турғунбоев ҳам ана шундайлардан. Меҳнатсевар чорвадорлар ғайрати туфайли ферма коллективи ўз зиммасига олган план ва мажбурнятларини ошириб бажармоқда.

Бўка районидаги Ҳамза номли колхозда чорва қишловига ҳам пухта тайёргарлик кўриб қўйилди. Ем-хашак, силос ва сеиаж тайёрлаш топшириқлари 110-120 процент қилиб адо этилди. Молхона, бузоқхоналар сифатли ремонтдан чиқарилди. Қишлов учун 50 тонна ўт-уни тайёрланди.

Фермада тўрт йилдирки, асосий ишлар механизмлар ёрдамида бажарилмоқда. Бу маҳсулот танархини камайтиришга, чорвадорлар ишини енгиллаштиришга ёрдам бермоқда.

Х. ПАРДАЕВ.

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА

Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозининг ўртоқ Мутал Зияев бошлиқ бригадаси аъзолари йиллик халқ хўжалик планини бажариб, эндиликда янги йил ҳисобига маҳсулот топширишяпти. Бригада 6769 тоннадан ортиқ сабзавот сотиб, беш йиллик планнни 117 процент қилиб бажарди. Шу вақт ичида 1539 тонна карам, 2 минг тоннага яқин пиёз, 2,5 минг тоннадан ортиқ помидор, 237 тонна бодринг, 176 тонна сабзи ва бошқа кўпгина маҳсулотлар етиштириб беришди. Бригадада сабзавот ва картошкада механизациянинг кенг жорий қилиниши туфайли маҳсулот таннархи анча арзонлашди.

И. НЕЪМАТОВ.

ПАХТА—ДАВЛАТГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 24 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Халқ хўжалик планига нисбатан процент ҳисобида)
Биринчи устун — район лар, иккинчи устун — бир кунда топширилган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан бери, тўртинчи устун — бир кунда машинада терилгани, бешинчи устун — мавсум бошидан бери.

Юқори Чирчиқ	0,01	132,05	—	132,44
Қуйи Чирчиқ	0,14	130,91	0,03	129,82
Янгийўл	0,09	124,19	—	115,42
Оққўрғон	0,18	115,20	0,04	106,67
Чиноз	0,05	114,78	0,08	132,02
Бўка	0,09	113,69	—	112,01
Бекобод	0,14	112,03	—	105,75
Пискент	0,07	105,44	—	93,69
Урта Чирчиқ	0,07	105,05	—	100,96
Область бўйича	0,10	115,36	0,02	112,18

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИГА— ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Советн районлар, колхозлар, совхозларда пахта териш ва давлатга топшириш юзасидан давом этаётган социалистик мусобақанинг 1975 йил ноябрь ойи иккинчи ўн кунлигн натижаларини кўриб чиқиб, қарор қиладилар:

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи **Янгийўл район**ида (район партия комитетининг секретари **А. П. Алимов**, район ижроия комитетининг раиси **Т. Ортиқхўжаев**, район қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи **В. П. Еремеев**, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов ходимлари ишчи ҳамда хизматчилари район касаба союзлари комитетининг раиси **С. Шамскев**, район комсомол комитетининг секретари **А. Асадов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошлиғи **Ю. А. Мансуров** ўртоқлар) қолдирилди. Район йиллик пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини 123,91 процент, шу жумладан машина терими планини 115,42 процент бажариб, ноябрь ойи иккинчи ўн кунлигида 1,30 процент, машина теримида 0,83 процент ўсишга эришган.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи Чиноз районидаги **«Партия XXIV» съезди совхозида** (совхоз директори **Т. Эрназаров**, партия ташкилотининг секретари **А. Худойбердиев**, ишчилар комитетининг раиси **А. Инкаров**, комсомол ташкилотининг секретари **Н. Иброҳимов** ўртоқлар) қолдирилди. Совхоз давлатга пахта топшириш йиллик халқ хўжалик планини 138,15 процент, шу жумладан машина терими планини 116,50 процент бажариб, ноябрь ойи иккинчи ўн кунлигида 2,46 процент, шу жумладан машина теримида 3,0 процент ўсишни таъминлаган.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи Янгийўл районидаги **Х. Турсунқулов номли колхозда** (раиси **У. Жўраев**, партия ташкилотининг секретари **Б. Султонов**, касаба союзлари комитети раиси **Т. Жуматоев**, комсомол ташкилотининг секретари **О. Эргашев** ўртоқлар) қолдирилди. Колхоз давлатга пахта сотиш йиллик халқ хўжалик планини 117,27 процент, шу жумладан машина терими планини 102,81 процент бажариб, ноябрь ойи иккинчи ўн кунлигида 2,18 процент ўсишга эришган.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи Янгийўл районидаги **«Партия XXI съезди» колхозида** (раиси **М. Мараҳимов**, партия ташкилотининг секретари **Р. Деҳқонов**, касаба союзлари комитетининг раиси **У. Тиллаев**, комсомол ташкилотининг секретари **А. Муродов**, ўртоқлар) қолдирилди. Колхоз давлатга пахта сотиш йиллик халқ хўжалик планини 94,33 процент, шу жумладан машина терими планини 197,0 процент бажариб, ноябрь ойи иккинчи ўн кунлигида 2,09 процент ўсишга эришган.

Область матлубот жамиятлари Союзига механик-ҳайдовчилар ва терим илғорларига сотиш учун Янгийўл районига, Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозига, Янгийўл районидаги Х. Турсунқулов номли ва «Партия XXI съезди» колхозларига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.


ОҲАНГАРОН цемент комбинатида акустика плиталари ишлаб чиқарадиган линиянинг иккинчи навбати ишга туширилди. Янги бунёд этилаётган уйлар, кутубхоналар, кинотеатрларда мана шу плиталардан фойдаланилмоқда. Суратда: овоз ютадиган акустика плиталари ишлаб чиқариш цехининг кўриниши.

А. Авазов фотоси.

КУЗГИ ШУДГОРНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 24 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — район лар, иккинчи устун — бир кунда ҳайдалган ер (гектар ҳисобида, учинчи устун — йиллик планга нисбатан процент ҳисобида.

Юқори Чирчиқ	745	85,8
Қуйи Чирчиқ	704	80,6
Калинин	300	79,7
Оржоникидзе	180	74,3
Урта Чирчиқ	1146	73,6
Пискент	955	70,3
Оққўрғон	321	68,2
Янгийўл	1126	65,2
Бўка	1151	65,0
Чиноз	715	60,2
Бекобод	1135	56,6
Бўстонлиқ	31	51,9
Оҳангарон	280	47,1
Область бўйича	9118	68,6



ДАСТЛАБКИ САМАРА

Иш якунларимизни кўздан кечирганда бенхтиёр колхозимиздаги уч-тўрт йил илгариги аҳвол эсимга тушади. Бизнинг колхоз Бўка районида 1270 гектар пахта майдонига эга бўлган салмоқли хўжаликлардан бири бўлиб, бир вақтлар илғорлардан ҳисобланар эди. Лекин колхозимиз кейинги йилларда орқага қараб кета бошлади. Ҳосилдорлик пасайди. 1973 йилда ҳар гектар ердан олинган пахта 19 центнердан ошмади. Бу ҳол ҳаммамизни ерга қаратди, ташвишга солди. Ахир, қолоқ, кам ҳосилли колхоз деган гапни эшитиш киши дилини ранжитмай иложи йўқ.

Колхозимиз пахтакорлари ана шу ташвишли аҳволдан чиқиш, хўжаликнинг шуҳратини тиклаш, илғор хўжаликларга етиб олиш учун астойдил ҳаракат қила бошладилар. Шу туфайли 1974 йили ўзгариш бўлди. Правление составн ўзгарди. Ёш, ишчан кадрлар бригадаларга раҳбар қилиб тайинланди. Айниқса ерларнинг мелиоратив аҳволини яхшилаш учун бир талай ишлар қилинди. Ерларнинг талон-тарож қилинишига чек қўйилди. Мавжуд техника воситаларидан унумлироқ фойдалана бошланди. Мана шу каби бир қатор тадбирлар туфайли колхозимиз олдинга қараб дадил одим ташлади. 1972 йилда ҳар гектар ердан 19,1 центнердан ҳосил олинган бўлса, бу йил гектаридан 27 центнердан ҳосил топширишга эришилди. Пахта тайёрлаш халқ хўжалик плани 124 процент қилиб адо этилди. Бу юқори кўрсаткич бўлмаса ҳам, қолоқ колхозимизнинг юксалиб бошлаганидан дарак берувчи фактдир.

Колхозимизда даромад ҳам ошиб боряпти. Масалан, 1972 йилда колхозчиларга йил охирида бор-йўғи 24 минг сўм тақсимланган эди. Бултур 214 минг сўм пул тақсимланди, бу йил эса 300 минг сўм тақсимлаш мўлжалланмоқда. Ҳосилдорлик ошган сари колхозчиларнинг даромадлари ҳам кўпайиб боряпти.

Бу ўзгаришлардан руҳланган колхозчиларимиз ҳосилдорликни ошириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, бизнинг бригада аъзолари ҳам зўр иштиёқ ва ҳавас билан ишламоқдалар. Илгари гектаридан 18 центнердан ҳосил олинган ерлардан 1973 йилда 24,7 центнердан, бу йил эса 30 центнердан ҳосил олдилар. Уч йилда ҳосилдорлик 8 центнерданга кўтарилди. Бригадамизда бундай ўзгаришга ердан унумли фойдаланила бошланганлиги, агротехниканинг янги тадбирлари амалга оширилганлиги, техникадан самарали фойдаланилгани, умуман, деҳқончилик маданияти ошиб бораётгани туфайли эришилди. Бунинг учун бир мисол кўрсатиш кифоя. 1972 йилда бригадада етиштирилган пахта ҳосилининг 41 тоннаси машина билан терилган эди. Бу йил эса 354 тонна ҳосилнинг 257 тоннаси машина билан териб олинди.

Колхозимиз ва бригадамиз пахтакорлари съездлари социалистик мусобақасига қўшилиб, тўққизинчи беш йилликнинг сўнгги йилини муваффақиятли якунламоқдалар.

Марям АҲМЕДОВА.
Бўка районидаги «Ленинизм» колхозининг бригада бошлиғи.

СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ КЎПАЙДИ

Олмалиқдаги сут заводи янги маҳсулот, оқсил сут ишлаб чиқаришга киришдилар. Сутнинг бу навини ишлаб чиқариш Ўзбекистонда биринчи марта шу заводда ташкил этилди. Алоҳида равишда ишланган бу сутнинг таркибида оқсил моддаси мойдан уч баравар кўп бўлади. Ярим литрли қоғоз пакетларига солиб қўйилган бу маҳсулот парҳез овқатларнинг бир тури ҳисобланади.

Комбинат Олмалиқ, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги парҳез овқатлар тайёрлайдиган ошхоналарга мана шу янги маҳсулотни етказиб беришни бошлаш билан маҳсулотни реализация қилиш ва янги тур маҳсулот ишлаб чиқариш беш йиллик планини бажариб бўлди. Харидорлар 58 минг тоннадан кўпроқ сут, қаймоқ, сливка, сметана, творог, пишлоқ, бринза ва бошқа кўпгина сут маҳсулотларини муддатидан олдин олдилар. Беш йилга мўлжалланган шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш планини завод коллективи муддатидан бир ярим ой илгари бажарди.

Заводни реконструкция қилиш планига мувофиқ корхонада қувватли автоматлар комплекси ўрнатилди ва автоматларнинг ҳар бири бир соатда 3 минг шиша сут тайёрлаб беради. Заводга ўрнатилган яна бир машина бир секундда қайнаган ёки оқсил сутнинг бир пакетини тайёрлаб беради.

Олмалиқ сут заводининг коллективи беш йилликни тугаллаб йил охиригача пландан ташқари 2 минг тоннага яқин маҳсулот бериш мажбуриятини олди.

(ЎзТАГ мухбири).

ЎҚИШ БОШЛАНДИ

Тошкентдаги марксизм-ленинизм университетида янги ўқув йили бошланди. Унинг асосий потоги ва йирик корхоналарда ҳамда турли муассасаларда тузилган 16 та филиалида беш мингдан ортиқ коммунистлар ва партиясиз активлар ўқишни бошладилар. Тингловчиларнинг ярмидан кўпи халқ хўжалигининг етакчи мутахассисларидир. Кўпгина фан ва маданият арбоби, олий ўқув юртларининг, мактаблар ва бошқа ўқув юртларининг муаллимлари, партия, совет, комсомол ходимлари университетда ўқимоқдалар.

Университетда тўрт факультет: пропагандистлар, сиёсий ахборотчилар, партия-хўжалик активлари учун ва олий маълумоти бўлмаган ўрта бўғиндаги раҳбар ходимлар учун махсус факультетлар бор.

(ЎзТАГ).

ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

Янгийўл биохимия заводи коллективи орасида новаторлик ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда. Корхонада рационализаторлар ва ихтирочилар сафини кенгайтириш, уларнинг ижодий изланиши учун қулай шароитларни яратиб берилиши бунда катта роль ўйнамоқда.

Ҳозир корхона техника ижодкорлари қаторида 52 киши бор. Улар ўзларининг новаторлик таклифлари билан коллектив меҳнати самарасининг баракали бўлишига, оғир операцияларни енгиллаштиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот таннархини камайтиришга озми-кўпми ҳисса қўшмоқдалар.

Рационализаторлар йил бошидан бери 50 га яқин таклиф билан чиқдилар. Уларнинг 30 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Дастлабки ҳисобларга қараганда, бу билан йил давомида 125 минг сўмлик иқтисодий самара кўриш мумкин.

Корхона тиниб-тинчимаслари ҳақида сўз борганда биринчи навбатда Холиқов, Бабин, Стенцов, Никитин, Шокиров, Чупрунов, Скрипкин номларини тилга олишади.

Корхона новаторлари йил охиригача минглаб сўмлик иқтисодий самара берадиган янги-янги таклифларни амалга оширадилар.





Тошкент атир-упа фабрикаси ўрта Осиёда шу тармоқ бўйича йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Фабрика маҳсулоти барча қардош республикаларга жўнатилмоқда. Коллектив 50 дан ортиқ хилда турли атир-упа ва косметика маҳсулотлари ишлаб чиқаряпти. Суратларда: (юқоридан) сифат лабораториясининг инженери Машҳура Алиева янги йилда савдога чиқариладиган янги одеколонни кўздан кечиряпти. (Пастда) илғор оператор Қундузхон Толипова.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР—ОММАГА

Сиёсий иқтисод марксизм-ленинизм таълимотининг таркибий ва барча иқтисодий билимларнинг назарий асосидир. Сиёсий иқтисод меҳнаткашларда илмий дунёқарашни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Сиёсий иқтисод фанининг кадрлар сиёсий ва иқтисодий тайёргарлигини оширишдаги ролини кўзда тутиб, яқинда «Ўзбекистон» ва бошқа нашриётлар бир неча брошюра ва қўлланмалар нашр қилдилар.

«СИЁСИЙ ИҚТИСОД НИМАНИ ЎРГАНАДИ?»

Иқтисод фанлари кандидати У. Умаровнинг «Иқтисодий билимлар оммага» сериясида нашр қилинган бу брошюрасида сиёсий иқтисод фанига таъриф беришдан аввал қатор тушунчалар, шу ҳисобда моддий ишлаб чиқаришнинг асосий элементлари — меҳнат, меҳнат предмети ва меҳнат воситалари ва уларнинг ўзаро муносабатлари, ишлаб чиқарувчи кучлар ҳақида маълумот берилади. Шунингдек, ишлаб чиқариш муносабатларининг асосий типлари — ибтидоий жамоа, қулдорлик, феодализм, капитализм, социализм формацияларининг характерли хусусиятлари билан таништирилади.

Брошюранинг иккинчи бобида жамият ривожланишининг иқтисодий қонунлари ҳақида сўз бориб, умумий ва ўзига хос иқтисодий қонунлар ҳақида маълумот берилади, уларнинг иқтисодий категориялардан фарқи кўрсатилади. Иқтисодий қонунлар ҳақидаги марксизмга зид бўлган фикрлар танқид қилинади. Бу бобда сиёсий иқтисод предмети, методи, сиёсий иқтисод ва иқтисодий сиёсат тушунчаларини шарҳлашга ҳам алоҳида эътибор берилган.

Китобнинг кейинги бобида сиёсий иқтисодни ўрганишнинг кадрларни иқтисодий билим олишлари учун аҳамияти кўрсатилган. Бу бобда сиёсий иқтисоднинг марксизм-ленинизм таълимотида тутган ўрни, унинг синфий ва партиявий характери, доҳийларимиз Маркс, Энгельс, Ленин томонидан сиёсий иқтисоднинг ҳақиқий фанга айлантирилиши, КПСС ва қардош коммунистик партиялар томонидан сиёсий иқтисод фанининг янада ривожлантирилиши кўрсатилган.

Китоб айрим камчиликлардан ҳоли эмас. Унинг ҳажми кичикроқ бўлиб қолган, натижада айрим масалалар тўлароқ ёритилмаган. Масалан, иқтисодий категориялар ҳақида гап борганда хўжалик ҳисоби, молия, кредит ва бошқа категориялар ҳақида маълумотлар берилмайди. Сиёсий иқтисоднинг партиявий характерини тушунтиришга кам эътибор берилган. Бундан ташқари ҳозирда иқтисодчи илмий ходимлар томонидан сиёсий иқтисод ва бошқа иқтисодий фанлар соҳасида олиб борилаётган тадқиқот ишлари ҳақида тўхталмаган. Шунга қарамасдан китобдан сиёсий иқтисод фанини ўрганувчилар қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

«СОЦИАЛИСТИК ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ»

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши ташкил қилингандан бери ўтган 25 йилдан ортиқ даврда бу кенгашга кирган мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик мустаҳкамланиб бормоқда.

Иқтисод фанлари кандидати Н. Уткелбоевнинг «Социалистик иқтисодий интеграция» брошюрасида социалистик мамлакатлар ҳамкорлигининг ривожланиш босқичлари, социалистик интеграцияни капиталистик интеграциядан принципиал фарқ қилиши ва мазмуни қисқача тушунтириб берилган.

Автор Ўзаро Ёрдам Кенгашига кирган мамлакатлар ўртасида иқтисодий интеграциянинг хилма-хил формада — халқ хўжалик планларини координациялаш, фан ва техника соҳасидаги ҳамкорлик, ташқи савдонинг ривожланиши, пул, молия муносабатларини ривожланишини қисқача тушунтириб беради, фактлар, мисоллар, рақамлар келтиради.

Лекин, бу брошюрада анчагина камчиликлар мавжуд.

Биринчидан, социалистик иқтисодий интеграциянинг таърифи берилмаган. Китобнинг бош қисмида «Социалистик мамлакатлар иқтисодий интеграцияси объектив зарурий, онгли ва планли жараёндир. Унинг асосий мазмуни— нарса айтилмаган. Маълумки, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг 25 йиллиги муносабати билан қатор умумлаштирувчи рақамлар эълон қилинган эди. Масалан, 25 йил ичида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларда саноат ишлаб чиқариши 12 баравар, миллий даромад 8 баравар ўсган. Ана шундай рақамлар ўрнига китобда баъзи ноаниқ иборалар-ни ўқиймиз.

Бундан ташқари, республикамизнинг социалистик мамлакатлар иқтисодий ҳамкорлигига қўшаётган ҳиссаси, хусусан саноат соҳасидаги ҳиссаси етарли очиб берилмаган. Кўрсатилган камчиликларни ҳисобга олиб, брошюрадан қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиш мумкин.

ЯНГИ КИТОБЛАР

СИЁСИЙ ИҚТИСОД ПРОПАГАНДИСТИНИНГ БЛОКНОТИГА

В. И. Ленин «фактлар сиёсий иқтисоднинг асосидир» деб айтган эди. Давлат сиёсий адабиёт нашриёти (Москва) томонидан нашр қилинган «Сиёсий иқтисод пропагандисти блокнотига» қўлланмада сиёсий иқтисод курсининг ҳар бир темаси бўйича марксизм-ленинизм классиклари асарларидан цитаталар, статистик тўпламлар, монография ва журналлардан олинган рақамлар, фактлар берилган.

Капиталистик тузум ҳақидаги бўлимда капиталистик эксплуатациянинг моҳиятини ифодаловчи иш ҳақи, меҳнатнинг капиталистик интенсификацияси, солиқларнинг ошиши, ишсизлик ҳақида қизиқарли маълумотлар бор, шунингдек монополиялар, молия капиталининг ҳукмронлиги, четга капитал чиқариш, капитализмнинг умумий кризиси, мустамлакачилик системасининг тугатилишига доир жадваллар берилган. Тўпламда кўрсатилишича АҚШда 1 процентни ташкил қилувчи хусусий мулк эгалари мамлакат миллий бойлигининг 59 процентига эгалик қиладилар. Етакчи империалистик мамлакатларда эксплуататор синфлар ўзлаштираётган қўшимча қийматнинг 60 проценти ишлаб чиқаришда меҳнаткашларни эксплуатация қилиш ва 40 проценти молиявий эксплуатация йўли билан таъминланади.

Китобда кўрсатилишича жаҳоннинг 25 йирик монополияси 6 миллион 320 минг ходимни эксплуатация қилади, бу монополияларнинг соф даромади 11,5 миллиард сўмни ташкил қилади.

Китобда жаҳондаги энг йирик 15 монополия ҳақида қизиқарли маълумотлар билан танишасиз.

Бундан ташқари, капиталистик мамлакатларда ҳарбий ҳаражатларнинг, инфляцияларнинг кучайиши, нархларни кўтарилиши ва бошқа масалаларга доир маълумотлар ҳам мавжуд.

Китобнинг социализм ва коммунизм иқтисодий проблемаларига бағишланган темаларида мамлакатни индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, маданий революцияни ўтказиш масалаларига доир маълумотлар, социалистик давлатнинг иқтисодий ролини кўрсатувчи рақамлар бор. Ижтимоий истеъмол фондлари ,аҳолининг реал даромадлари, социалистик корхоналарнинг рентабеллиги, миллий даромад ва унинг ўсиш факторлари, тақсимланиши, жаҳон социалистик хўжалик системаси ва иқтисодий интеграция, мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга бағишланган фактлар ва рақамлар ҳам диққатга сазовор.

Китоб фақатгина сиёсий иқтисод пропагандистлари учунгина эмас, балки ўқитувчилар, аспирантлар, олий мактаб студентлари учун ҳам фойдалидир.

Ҳ. СОБИРОВ,
иқтисод фанлари доктори.

ДОИМИЙ КОМИССИЯ ТАВСИЯ ҚИЛАДИ...

Тошкент область ижроия комитетининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида меҳнаткашлар депутатлари Чирчиқ шаҳар Советининг доимий комиссиялари фаолиятига ижобий баҳо берилди

Халқ юксак ишонч билдириб сайлаб қўйган экан ҳар бир депутат бу ишончни ўзининг амалий фаолияти билан оқлаши керак. Унинг коллективдаги обрў-эътибори, жамият ва оиладаги ўрни, қўйингки, бутун ҳаёти халқ ва давлат ташвиши билан банд бўлиши лозим. Меҳнаткашлар депутатлари Советлари депутатларининг Статуси тўғрисидаги Қонун халқ вакили зиммасига мана шу фаҳрли ва масъулиятли вазифани юклайди. Шу ўринда, албатта, таъкидлаш керакки, халқ вакили ўз депутатлик бурчини муваффақиятли адо этиши учун тўла шарт-шароит яратилган бўлиши зарур.

Меҳнаткашлар депутатлари Чирчиқ шаҳар Совети ижроия комитети депутатлар Статуси тўғрисидаги СССР Қонунини бажара бориб шаҳар хўжалиги, ишлаб чиқариш ва маданий ҳаёти масалаларини ҳал этишга депутатларнинг кўпроқ иштирок этишини таъминламоқда. Шаҳар Советига сайланган 260 депутатдан 219 киши доимий комиссиялар составига сайлаб қўйилган. Комиссияларнинг раҳбар составини чуқур ўйлаб, танланган ва сайлаш учун тавсия қилинган. Иш юритиш методлари ва шаклларини, ҳуқуқ ва бурчларини эгаллаб олишлари учун доимий комиссиялар раҳбарларининг ўқуви ташкил қилинган. Ўтган XIV ва янги XV чақириқлар даври мобайнида 24 марта ўқув-семинар машғулоти ўтказилди.

Шу йилнинг учинчи кварталида ўтказилган семинарда «Доимий комиссиялар ишини ташкил қилиш», «Меҳнаткашлар депутатлари Советлари депутатларининг Статуси тўғрисидаги Қонун» деган мавзулар ишлаб чиқилди. Шаҳар ижроия комитети ташкилий бўлимининг мудири А. Федотова, ижроком раисининг ўринбосари Б. Исаевалларнинг докладлари тингланди. Доимий комиссиялар раислари ўзаро тажриба алмашдилар. Семинарга доимий комиссиялар амалий фаолияти учун қўлланма сифатида методик бюллетень тайёрладилар.

Шаҳар ижроия комитети комиссиялар билан яқиндан алоқада бўлиб иш кўраётганлиги яхши натижа бераётир. Шаҳар Совети сессияси ёки ижроком мажлисида кўрилган ҳеч бир масала йўқки, уни тайёрлашда доимий комиссиялар, айрим депутатлар иштирок этмаган бўлсин. Юқори органлар ва шаҳар ижроқомининг барча қарорларидан доимий комиссиялар хабардор қилинмоқда ва қарорларнинг бажарилиши устидан назорат қилишга улар тобора кўпроқ тортилмоқда. Кейинги ўтган икки ярим йил ичида биргаликда текшириб чиқди. Айрим цехлар бошлиқларининг ҳисоботлари эшитилди. Маълум бўлишича, план бажарилишини таъминловчи белгиланган тадбирларнинг деярли ярми бажарилмаган. Шунингдек маиший хизмат, овқатланиш, санитария ҳолати бўйича ҳам камчиликлар рўй бераётганлиги аниқланди. Комиссия мавжуд камчиликларни тугатиш юзасидан бир қатор тавсиялар ишлаб чиқиб завод маъмуриятига ҳавола қилди. Орадан бир қанча вақт ўтиб комиссия аъзолари ўз тавсиялари заводда қандай бажарилганлигини текширишди. Завод цехларида лозим даражадаги санитария шароити яратилган, жиҳозлар бўяп-тилишига доир жадваллар берилган. Тўпламда кўрсатилишича АҚШда 1 процентни ташкил қилувчи хусусий мулк эгалари мамлакат миллий бойлигининг 59 процентига эгалик қиладилар. Етакчи империалистик мамлакатларда эксплуататор синфлар ўзлаштираётган қўшимча қийматнинг 60 проценти ишлаб чиқаришда меҳнаткашларни эксплуатация қилиш ва 40 проценти молиявий эксплуатация йўли билан таъминланади.

Китобда кўрсатилишича жаҳоннинг 25 йирик монополияси 6 миллион 320 минг ходимни эксплуатация қилади, бу монополияларнинг соф даромади 11,5 миллиард сўмни ташкил қилади.

Китобда жаҳондаги энг йирик 15 монополия ҳақида қизиқарли маълумотлар билан танишасиз.

Бундан ташқари, капиталистик мамлакатларда ҳарбий ҳаражатларнинг, инфляцияларнинг кучайиши, нархларни кўтарилиши ва бошқа масалаларга доир маълумотлар ҳам мавжуд.

Китобнинг социализм ва коммунизм иқтисодий проблемаларига бағишланган темаларида мамлакатни индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, маданий революцияни ўтказиш масалаларига доир маълумотлар, социалистик давлатнинг иқтисодий ролини кўрсатувчи рақамлар бор. Ижтимоий истеъмол фондлари ,аҳолининг реал даромадлари, социалистик корхоналарнинг рентабеллиги, миллий даромад ва унинг ўсиш факторлари, тақсимланиши, жаҳон социалистик хўжалик системаси ва иқтисодий интеграция, мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга бағишланган фактлар ва рақамлар ҳам диққатга сазовор.

Китоб фақатгина сиёсий иқтисод пропагандистлари учунгина эмас, балки ўқитувчилар, аспирантлар, олий мактаб студентлари учун ҳам фойдалидир.

Ҳ. СОБИРОВ,
иқтисод фанлари доктори.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

шаҳар Советининг сессияларида олти доимий комиссиянинг ҳисоботи эшитилди.

Доимий комиссияларнинг мажлислари белгиланган муддатларда мунтазам ўтказилиб, улар ишида шаҳар ижроия комитетининг масъул ходимлари, корхона ва ташкилотларнинг, шаҳар ижроия комитети жамоатчи бўлимларининг раҳбарлари қатнашишади. Комиссиялар иши қатъий белгиланган йиллик план асосида қурилган. Планга комиссия муҳим деб ҳисобланган, кўриб чиқиб ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар киритилган.

Саноат бўйича доимий комиссия (раиси илмий-текшириш институтининг директори, депутат Р. Буров) индустриал Чирчиқ аҳолисининг сутли маҳсулотларга эҳтиёжи ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, шаҳарда сут заводи қурилишини лозим деб топди. Комиссия бу тўғрида ҳисобот ва тавсиянома тайёрлаб ижроия комитетига тақдим этди. Натижада, Ўзбекистон ССР гўшт ва сут саноати министрлигининг розилиги билан 1977 йилда сут маҳсулотлари заводи қурилиши режалаштирилди.

Яна шу комиссия фаолиятидан мисол келтираман. Саноат бўйича комиссия «Ўзбекхиммаш» заводида социал тараққиёт планининг бажарилишини мутахассислар билан бирга, бино деворлари оқланган, гигиена хонаси намунали жиҳозланган эди. Мана, ижрони текширишнинг ижобий натижаси!

Шаҳар ижроия комитети сессия масалаларини тайёрлашга доимий комиссияларни кўплаб жалб этмоқда. Шу йилнинг август ойи охирида бўлиб ўтган сессияда муҳокама қилинган «Шаҳардаги коммунал ва турар-жой, маиший объектларни қишки мавсумга тайёрлаш тўғрисидаги масалани тайёрлашда коммунал хўжалик ва ободонлаштириш, маиший хизмат, савдо ва умумий овқатланиш, ҳалқ маорифи, соғлиқни сақлаш бўйича комиссиялардан иборат 5 та доимий комиссия қатнашди. Барча комиссиялар доклад лойиҳаси ва сессия қарори учун асос бўлиб кирган ўз қимматли маслаҳатларини тақдим қилдилар.

Шу йилнинг иккинчи кварталида якунлари бўйича шаҳарда ободончилик ишлари яхши йўлга қўйилганлиги, яхши санитария ҳолати сақланганлиги учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байрағини олдик. Бунда албатта шаҳар Советининг саноат, маиший хизмат, коммунал хўжалик бўйича ва бошқа доимий комиссияларнинг, кўплаб депутатларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Доимий комиссиялар эришаётган ютуқларнинг яна бир омили шундаки, улар шаҳардаги корхоналар ва ташкилотлар билан қатъий алоқа ўрнатганлар. Масалан, планбюджет комиссияси шаҳар молия бўлими билан биргаликда хизмат кўрсатиш планини бажармаётган ҳаммомкир ювиш комбинатининг ишини таҳлил қилди, камчиликларни бартараф этиш учун тавсиялар ишлаб чиқди. Комбинат ўтган йили планини 116 процент қилиб бажарди.

Шу сингари мисолларни қолган доимий комиссиялар ишидан ҳам келтириш мумкин. Аммо ютуқлар ўзимизники. Айрим камчиликлар содир бўлаётганлигидан ҳам кўз юмолмаймиз. Маданий-оқартув ишлар, ёшлар ишлари бўйича доимий комиссияларнинг фаолияти анча заиф. Комиссияларнинг баъзи аъзолари мажлисларга келмайдилар. Савдо ва умумий овқатланиш бўйича доимий комиссиянинг август ойидаги мажлисига 17 аъзодан 6 киши, табиат ва ерни муҳофаза қилиш бўйича комиссия мажлисига 13 аъзодан 5 киши қатнашган, холос. Айрим комиссиялар ўз ҳуқуқларини ошириб юбориб, масъулиятни унутиб қўядилар. Ҳужжатларни чалкаш юритадилар. Буларнинг ҳаммаси шаҳар ижроия комитети ўз фаолиятини намуна бўларли даражага кўтариш учун ҳали кўп иш қилиши зарурлигини тақозо этади.

КПСС XXV съезди Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XIX съезди яқинлашмоқда. Партия съездлари шарафига бошланган умумхалқ ҳаракатига чирчиқликлар ҳам қўшилиб меҳнат активликларини ошириб юбордилар. Айтиш мумкинки, шаҳар Советига сайланган депутатлар ҳам бу ҳаракатга ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сафарбар қилмоқдалар.

В. ЛАРИН,
меҳнаткашлар депутатлари Чирчиқ шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.

Бутуниттифоқ кўчма бадиий виставкаси Тошкентда очилди. Мамлакатимиз бўйлаб сафарга чиққан бу виставка ўзининг экспозициясини биринчи бўлиб Ўзбекистон пойтахтида намойиш қила бошлади.

«Улуғ ғалабанинг 30 йиллиги» орадан ўнлаб йиллар ўтганидан кейин ҳам ҳаяжон билан ҳикоя қилинадиган воқеалар тўғрисидаги ҳикоялар, қўлга қурол олиб ватан озодлигини ҳимоя қилган ва сақлаб қолганларнинг ҳикоясидир.

Булар орасида ўзининг солдатлик, машаққатли йўлини Берлинда тамомлаган А. Плотинов ҳам бор. Берлин биринчи комендантининг портрети —москвалик рассомнинг Бутуниттифоқ виставкасида кўрсатилган ишларидан биридир. Ҳайкалтарош И. Дершудчев Улуғ Ватан уруши саркардаларининг портретлари туркумини яратиш билан бу кўргазмага ўзининг ижодий ҳиссасини қўшган. Москвалик рассом А. Алексеевнинг «Москва 1941», «Қора денгизчилар» деган полотнолари авторнинг бошидан кечирган воқеалари тўғрисидаги эсдаликдир.

«УЛУҒ ҒАЛАБАНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ»

«Улуғ ғалабанинг 30 йиллиги»—ғалаба салютлари берилиб бўлинганидан кейин ўзининг биринчи қадамларини қўйган кишиларнинг фикрлари, ҳис-туйғуларини ифодалайди. Отасининг ва акасининг эсдаликлари, бадиий адабиёт саҳифалари ва кино фильмлар ёш қалбда из қолдирмаслиги мумкин эмас эди ва ҳақиқатан ҳам чуқур из қолдирди. С. Мурадяннинг онаси ва унинг қўшниси бўлган хотинлар ўз ўғилларини фронтга узатиб қўйганларида бу йигит ҳали дунёга келмаган эди. Ёш арман рассоми онанинг кўзида ифодаланиб турган бунчалик алам ва ҳаяжонларни кўрмаган эди, лекин буларни ҳаммасини у «Хайрлашув» деган ўзининг асарида бера олган.

Грузин рассоми Р. Пордзанинг «Солдатнинг ниқоҳ тўйи» деган асарида ҳаяжон, қувонч, кўрқув туйғуларни яққол ифодаланган. Солдат ҳаётида буларнинг ҳаммаси гўё охирги дақиқада рўй бераётгандек из қолдираётганлиги, чунки эртага яна фронтга жўнаш муқаррарлиги кўриниб турибди.

«Улуғ ғалабанинг 30 йиллиги» виставкаси 30 йиллик тинч меҳнат тўғрисидаги, еримизда қад кўтарган шаҳарлар ҳақидаги, кўрик ерларда очилган биринчи эгат ҳақидаги ҳаяжонлантирувчи ҳикоядир. Бу— энг азиз нарса тўғрисидаги, мусаффо осмон ҳақидаги, ўлкамиздаги осойишталик тўғрисидаги ҳикоядир. Бу осойишталикни тошкентли ёш рассом Е. Зиёев ўз асарида яққол гавдалантирган. (ЎзТАГ).

ҲАМ СИФАТ, ҲАМ СУРЪАТ

КЕЛГУСИ беш йиллик сифат беш йиллиги бўлади. Мана шунга катта тайёргарлик кўраётган кўн-мўйна заводининг коллективи бу борада ҳозирданоқ дурустгина ютуқларни қўлга киритмоқда. Улар ойлик ва квартал планларини муддатидан илгари адо этиш билан бир қаторда тайёрланаётган турли хил маҳсулотларининг сифатига ҳам алоҳида эътибор беришяпти. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган аёллар пўстинлари, мўйна ёқалар ва бошқа жуда кўплаб маҳсулотларга эҳтиёж тобора ошиб бораётганлиги корхона шуҳратининг ўсаётганлигидан далолат бериб турипти.

Заводда КПСС XXV съездига бағишланган зарбдор декадалар айниқса самарали ўтмоқда. Цехлар, участкалар, бригадалар ва айрим кишилар ўртасида ташкил этилган ўзаро социалистик мусобақа план ва маҳсулотлар ортиғи билан бажарилишида ҳал қилувчи омил бўлиб қоляпти. Корхонадаги мавжуд тўртта цех коллективлари ўртасидаги меҳнат беллашувида ҳотин-қизлар учун пўстин тикадиган цех азаматлари пешқадамлик қилишяпти.

— Тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида 4 миллион 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олган эдик,— дейди цех мастери Р. Галеницкая.— Ички резерв ва имкониятларимизни қайта кўриб чиқиб, КПСС XXV съезди шарафига пландан ташқари 550 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш мажбуриятини қабул қилдик. Ҳозир барча куч ва имкониятларимиз ана шу оширилган мажбуриятни муддатидан илгари бажаришга қаратилган.

Чеварлар кам сарф билан кўп ва сифатли маҳсулот тикиш, унинг таннархини арзонлаштиришга ҳам эътибор беришяпти. Шунингдек, меҳнат унумдорлигини тобора ошира боришда замонавий машина ва ускуналар қўл келмоқда.

Корхонада тўққизинчи беш йиллик шахсий топшириқларини бажариб, ўнинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқараётганлар сони тобора кўпайиб боряпти. Раҳима Сулаймонова, Муаззам Ғуломова, Рашида Бекматова, Татьяна Зиганшина, Рихсивой Маҳмудов, Шоназар Шоеъматов каби зарбдор ишчилар ҳозирги кунларда 1977—78 йиллар ҳисобига меҳнат қилишяпти.

Қоракўл тери ишлаб чиқариш цехи коллективининг ишлари ҳам диққатга сазовор. Цехимиз дастлабки пайтларда ҳар ойда атиги юз дона қоракўл терига ишлов берган бўлса, ҳозирга келиб бу рақам 5,5—6 минг донага етди,— дейди цех бошлиғи З. Галимулин.— Биз якунловчи йилда планга қўшимча равишда 18 минг дона қоракўл тери ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни ошириш режасини ҳам ўз зиммамизга олдик. Бу, коллективимизнинг КПСС XXV съездига меҳнат армуғони бўлади. Ойлик ва квартал планларини ортиғи билан бажаришда К. Комилов, И. Ҳикматуллаев, С. Аминов каби зарбдорларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

О. НИЕЗОВ.



«Учқун» галантерея фирмасида КПСС XXV съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, келгуси беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқараётган зарбдорлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Суратда: (чапдан) илғор тўқувчилар Е. Миняенко, Г. Федерякина, И. Шокаримов ўртоқлар.

А. Тўраев фотоси.

*

Бекобод. Шаҳардаги медицина билим юрти студентлари 3-«Далварзин» совхози пахтакорларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Улар ҳосилнинг сўнгги граммигача териб олишда совхоз ишчилари билан елкама-елка туриб меҳнат қилмоқдалар. Суратда: билим юрти директори Л. Наумова илғор теримчиларга ёрлиқлар топширмоқда.

Т. Маҳкамов фотоси.

*



ХУМСОН

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ЖАМОЛИ

Хумсон. Юксак тоғлар оғушидаги ҳушҳаво маскан.

Бундан эллик йил муқаддам ҳозирги бахтиёр ҳаётимиз учун бўрондек шиддатли курашлар, таниқли адиб Ҳамид Ғуломнинг «Машъал» асарига ўткир сюжет ролини ўтаган тарихий воқеалар шу қишлоқда кечган. Йил сайин ҳар томонлама салмоқ билан тараққий этаётган Хумсон қишлоғи тобора чирой очмоқда.

— Қишлоқ Совети территориясида аҳоли яшайдиган еттита пункт бор. Хутор системаси тугатилиб, олдинги яккам-дуккам кўрғонлар ўрнида янги типдаги, замонавий қишлоқлар пайдо бўлди. Улардан бири қадимий Хумсон қишлоғидир. Тубжой аҳолиси 3100 кишидан иборат. «Хумсон» санаторийси, пансионат ва иккита дам олиш уйига келиб-кетиб турганлар бу ҳисобга кирмайди.

Угам қишлоқ Советининг раиси Эргаш Абдурасулов ижрокомга яқинда берилган янги «Жигулига бизни таклиф қилиб ўзи рулга ўтирди. Машина асфальт йўлда енгил учиб юриб, Чинор қишлоғидан ўтди. Енгинамизда тез оқар Угам дарёси. Унда типтинин зилол сув оқаётир.

— Мана бу мустаҳкам кўприк яқинда қурилди. Илгари маҳаллий куч билан йилда кўприк солардик, ҳар баҳорда сув бузиб кетаверарди. Депутатлар маслаҳатлашиб, тегишли ташкилотларга мурожаат қилишди. 200 минг сўм маблағ сарфланиб мана шу кўприк бунёдга келди. Давлат ёрдами билан биз кетаётган асфальт йўл ҳам то «Хумсон» санаторийсигача узайтирилди. Сўнгги тўрт йил мобайнида қишлоқ қиёфасида жуда катта ижобий ўзгаришлар бўлди.

Ижроком раиси ҳикоясини давом эттирар экан, Хумсон қишлоғига кириб келдик. Ҳа, раис айтганича бор экан. Қишлоқ ҳаётига кенг кўламдаги замонавий маданият қириб келган. Ихтисослаштирилган савдо тармоқлари — озиқ-овқат, хўжалик моллари ва саноат моллар магазинлари ишлаб турипти. Марказий иситиш системаси қурилган. Клуб, кутубхона, мактаб қишлоқ аҳолиси учун илм-зиё масканлари вазифасини ўтамоқда.

Угам дарёсининг ғарб соҳилидаги юксак тепаликлар ва ёнбағирларда 14-«Хўжакент» совхозининг боғлари, экин майдонлари жойлашган. 1-бригада дала шийпонидан туриб қаралса, дарё бўйлаб чўзилган қишлоқ, янги типдаги замонавий хонадонлар, дарахтлар яққол кўзга ташланади.

— Яқин йилларгача ҳам бу ерда бирорта ҳам оқ уйни кўрмас эдингиз,— дейди Э. Абдурасулов.— Партия ва ҳукуматимиз қишлоқ турмуш маданиятини янада юксалтиришга катта ғамхўрлик кўрсатаётганлиги натижасида амалга оширилаётган ҳамма ўзгаришлар қишлоқ меҳнаткашларининг онгига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Турмушимизга янги анъаналар кириб келмоқда. 1974 йил январидан бери 644 чақалоқ туғилганлиги рўйхатга олинди, 131 жуфт ёш келинкуёв никоҳдан ўтди. Тўй ва бошқа маросимларни тартибли ўтказиш учун жамоатчилик асосида ишловчи маҳалла комитетлари тузилган.

Угамнинг қелажаги порлоқ. Кишилар ўз қишлоқларини янада кўркам бўлиши учун курашмоқдалар. Қишлоқ Совети ижроия комитети, депутатлар Э. Мирзааҳмедов, Г. Абдурасулова, У. Олимова, С. Сиддиқов, Ш. Баёнов ва бошқалар, совхоз директсияси ва партия ташкилоти, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ўзларининг бутун ишларини меҳнаткашлар фаровонлигини яхшилашга қаратмоқдалар.Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг шу йилнинг 9 сентябрида эълон қилинган «Қишлоқ турмуш маданиятини янада юксалтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада уларга дастуриламал ролини ўйнайди.

Совхоз директсияси (директори, район Советининг депутати М. Аҳмедов) маданиймаиший қурилиш ва ободончилик ишларига ҳар йили ўз фондидан катта маблағлар ажратмоқда. Шундай тадбирлар учун ўтган йили совхознинг 204 минг сўм пули сарфланди. Бу йилги планда қурилиш учун салкам юз минг сўм сарфлаш кўзда тутилган. Ҳозиргача шундан 54 минг сўми ўзлаштирилди.

Қишлоқ Совети территориясини ободонлаштиришга шу ерга жойлашган Шредер номли боғдорчилик-узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институтининг филиали, «Хўжакент» ишчилар кооперацияси, давлат сорт участкаси, Бўстонлиқ ўрмон хўжалиги участкаси коллективлари ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда. Ўрмон хўжалиги участкаси бу йил баҳорда қишлоқни кўкаламзорлаштириш учун минг дона манзарали дарахт кўчати етказиб берди. Хўжакент, Қоранкўл, Чинор ва бошқа қишлоқларда яшовчи 550 оила шу йилнинг ўзида янги уйларга кўчиб кирдилар ва ўз уй-жойларини яхшилаб олдилар.

Угамнинг келажаги порлоқ. Кишилар ўз қишлоқларини янада кўркам бўлиши учун курашмоқдалар. Қишлоқ Совети ижроия комитети, депутатлар Э. Мирзааҳмедов, Г. Абдурасулова, У. Олимова, С. Сиддиқов, Ш. Баёнов ва бошқалар, совхоз директсияси ва партия ташкилоти, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ўзларининг бутун ишларини меҳнаткашлар фаровонлигини яхшилашга қаратмоқдалар.Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг шу йилнинг 9 сентябрида эълон қилинган «Қишлоқ турмуш маданиятини янада юксалтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада уларга дастуриламал ролини ўйнайди.

Ж. РОҲАТОВА,
область ижроия комитетининг инструктори,
А. АБДУБАННОПОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

РИМДА УЧРАШУВ

РИМ, 22 ноябрь. (ТАСС). Бу ерда Чили социалистик партияси бош секретари Карлос Альтамирано билан Италия Коммунистик партияси раҳбарлиги аъзоси Жан Карло Пайетта ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

К. Альтамирано Чили ватанпарварларининг Пиночет фашист хунтасига қарши олиб бораётган кураши тўғрисида гапириб берди ва ана шу одилона курашни қўллаб-қувватлаётганликлари учун Италиянинг демократик кучларига миннатдорчилик изҳор этди.

Ж. К. Пайетта Италия коммунистлари Италиядаги барча тараққийпарвар кучлар билан биргаликда Чили ватанпарварларининг озодлик ва мустақиллик учун кураши билан бирдамлик кампаниясини бундан буён ҳам кенгайтираверадилар, деб К. Альтамиранони ишонтирди.

Учрашув чоғида бир қанча халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олинди ва барча демократик кучларнинг, жумладан коммунистлар билан социалистларнинг демократия ва тараққиёт учун курашда иттифоқ бўлиб, иш кўришлари зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

СОВЕТ ОЛИМИГА МУКОФОТ

ЛОНДОН, 22 ноябрь. (ТАСС мухбири). Бу ерда совет олими, давлат машинашунослик илмий-тадқиқот институти ишқаланиш назарияси лабораториясининг мудири профессор И. В. Крагельскийга трибоника бўйича халқаро комитетнинг олтин медалини топшириш тантанали маросими бўлиб ўтди. У ишқаланиш ва ейилиш табиатини ўрганиш билан шуғулланувчи фан бўлган трибоника соҳасидаги катта хизматлари учун ана шу юксак мукофотга сазовор бўлди.

Профессор И. В. Крагельский ишқаланиш ва мойлаш соҳасида ҳамкорлик қилувчи Совет-Англия муваққат илмий-техника комиссиясининг бу ерда ўтказилаётган мажлисида иштирок этувчи совет делегациясининг составига киради.

Буюк Британия савдо министри Питер Шор профессор И. В. Крагельскийга олтин медални топширар экан, ана шу соҳада совет олимлари эришган муваффақиятларга қойил қолганлигини айтиб, фаннинг шу борасида Совет-Англия ҳамкорлигининг кучайтирилиши ва кенгайтирилиши яхши натижалар беради, деб ишонч изҳор этди.

И. МАКУРИН.

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР ЙИЛИДА

БЕРН. Швейцария бирлашган касаба союзларининг икки кун давомида Базелда бўлиб ўтган биринчи хотин-қизлар конгресси делегатлари хотин-қизларни камситиш тугатилишини, уларнинг чинакам тенг ҳуқуқли бўлишига эришишни талаб қилдилар.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон хотин-қизлари миллий федерацияси билан «Новости» матбуот агентлиги биргаликда Бомбайда ташкил қилган «Совет хотин-қизлари» фотовиставкаси Ҳиндистондаги Махараштра штати аҳолисига ғоят манзур бўлмоқда. Халқаро хотин-қизлар йилига бағишланган бу виставка ташкил қилинганидан буён ўтган бир ҳафта ичида уни штат пойтахти ҳамда атроф-теваракдаги шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолисидан 15 минг киши келиб кўрди.

ЛУСАКА. Замбия хотин-қизлари миллий қурилишда тўла ҳуқуқ билан иштирок этиш учун, ҳаётнинг барча соҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиш учун курашни давом эттирмоқдалар. Хотин-қизларнинг Лусакада ўз ишини тамомлаган семинари қатнашчиларининг баёнотида ана шу ҳақда гапирилади. Семинарни Замбия касаба союзлари конгресси ташкил қилган эди.

Семинар қатнашчилари Замбия аёлларига уч ойлик декрет отпускаси берилиши тўғрисида қонун қабул этилишини таклиф қилдилар. Улар мамлакатнинг барча районларида нарх-навонинг ўсиши ва кун кечиришнинг қимматлашиб бораётганлигига қарши курашувчи группалар ташкил қилиш тўғрисидаги масалани ҳам ўртага қўйдилар.

ТОКИО. Япония конституцияси хотин-қизларга расман эркаклар билан баравар ҳуқуқ берган бўлса ҳам, лекин хотин-қизларнинг кўп асрдан буён давом этиб келаётган соцнал тенгсизлиги ҳозиргача сақланмоқда. Олий ўқув юртларида ўқитувчилар барча лавозимларининг атиги саккиз процентини, маъмурий лавозимларнинг беш процентини хотин-қизлар ҳиссасига тўғри келади. Бошланғич ва ўрта мактаб директорлари ўртасида хотин-қизлар 1,3 процентни ташкил этади. Япониядаги 1700 та энг йирик компания президентлари орасидан бир аёлнинг номи бор. Япония парламентининг ҳар иккала палатасида депутатларнинг уч процентдан сал кўпроғи хотин-қизлардир. Япония хотин-қизлари меҳнатга ҳақ тўлашда ва ишга жойлашишда ҳали ҳам камситилмоқда.

(ТАСС 22 ноябрь).

ЧИЛИЧАСИГА КУЗАТИШ

«Бизни сўкишиб ва таҳқирлаб тинтув қилишди, азоблашди, сўнгра ҳужжатларимизни олиб қўйишди. Фақат дўст мамлакатлар элчихоналари вакилларининг аралашувидан кейингина Чилидан чиқиб нетишга муваффақ бўлдик...»

Бу ҳақда Колумбия меҳнаткашлар Конфедерацияси раиси Хосе Ракель Меркадо «Эспектадор» газетасида босилган мақоласида ҳикоя қилиб берди. У яқинда Чилидан қайтган Халқаро озод касаба союзлари федерацияси комиссияси составига кирган эди.

«Эспектадор» газетаси хабар беришича, комиссия аъзолари 600 сафифадан иборат доклад тайёрлашиб, унда Чили ишчилар синфининг жуда оғир аҳволини изоҳлаб беришди. Чилида ҳамон қамоққа олишлар, қийнов ва қотиллик давом этмоқда.

Докладда таъкидланишича, Чилида ишсизлар 30 процентга, инфляция эса 300 процентгача ортган. Мамлакатда минглаб сиёсий маҳбуслар, дом-дараксиз йўқолганлар кўпаймоқда.

Халқаро конфедерация жаҳон касаба союз ташкилотларини сиёсий маҳбусларнинг оилаларига моддий ёрдам беришга, Чили меҳнаткашларининг ягона касаба союз марказига ҳамкорлик қилишга даъват этади. Бу марказ жуда қийин шароитда, яширин суратда меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқлари учун курашни давом эттирмоқда.

Халқаро озод касаба союзлари федерацияси баёнот эълон қилди. Унда Чили халқи билан тўла хайрихоҳлик билдирилади, барча сиёсий маҳбусларни озод этиш ва демократияни тиклаш талаб қилинади.

АПН.

ХУАН КАРЛОС — ИСПАНИЯ КОРОЛИ

МАДРИД, 22 ноябрь. (ТАСС). Бугун Испания кортесларининг (парламентининг) ва короллик кенгашининг қўшма мажлисида 37 яшар шаҳзода Хуан Карлос Испания короли сифатида қасамёд қилди.

Коммунистларни, социалистларни ва либералларни бирлаштирувчи ташкилотлар — Испания демократик кенгаши ва демократик иноқликнинг бу ерда эълон қилинган қўшма баёнотида коалицион ҳукумат тузиш, халққа демократик эркинликлар ва сиёсий ҳуқуқлар бериш, сиёсий маҳбусларни дарҳол қамоқдан бўшатиш ва сиёсий муҳожирларнинг Мадридга бемалол қайтиб келишига руҳсат бериш талаб қилинади.

ШИДДАТЛИ ОТИШМАЛАР

БАЙРУТ, 22 ноябрь. (ТАСС). Кеча кечаси Байрутда ва унинг атрофида турли хил қуроллар ишлатилиб шиддатли отишмалар бўлиб турди. Шаҳарга олиб кирадиган йўллар деярли бекилиб қолди. Матбуот расмий маълумотларга асосланиб айтганича кеча бутун тун бўйи Байрутда 27 киши ўлдирилган, 32 киши яраланган ва 80 нафардан кўпроқ киши ўғирланган.

Ливаннинг шимолида ҳам қуролли тўқнашувлар бўлди.

Кеча бош министр Р. Караме раислигида олий координация комиссиясининг мажлиси бўлди. Р. Караме мамлакатдаги аҳвол «гоят жиддий ва хавфли» бўлиб қолганлигини айтди.

Ўт очишни тўхтатиш тўғрисида қарорга келинган, лекин бу қарор нега бажарилмаётганлигини билмоқчиман деди у. Кескинлик ниҳоят даражада кучайиб кетди. Мамлакатда бутун иқтисодий фаолият ҳам тўхтаб қолди.

МУСОБАҚА ҒОЛИБИГА БОЛГАРИЯГА БОРИШ УЧУН ПУТЕВКА БЕРИЛДИ

«Красний водопад» экспериментал базасининг чорвадорлари озуқабоп экинларни ўриб-йиғиб олишни тугалладилар. Марҳамат Аҳмедов бошлиқ бригада 30 гектар бедапоянинг ҳар гектаридан 235 центнер беда пичани ўриб олиб, план топшириғини деярли икки баравар ошириб бажарди. Деҳқонлар бу йил ана шу қимматли озуқа экинини олти марта ўриб олдилар. Ўтнинг сифати жуда яхши бўлиб, баргларида тўйимли моддалари тўла сақланиб қолди.

Хўжалик маъмурияти соцналистик мусобақа ғолиби Марҳамат Аҳмедовга Болгария Халқ Республикасига бориш учун туристик путевка топширди.

СИГИРЛАР ЗОТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Ўзбекистон колхоз ва совхозларининг фермаларида боқилаётган сигирларнинг зотини яхшилаш учун чет мамлакатлардан наслдор молларни катта туркумлари келтирила бошланди. Тошкент областида қурилган чорвачилик комплекслари учун ГДРдан бу йил олачипор зотли сигирларнинг дастлабки подаси келтирилди. Фермалардаги молларни кўпайтириш учун икки минг бош наслдор бузоқ ва минг бош сермаҳсул сигирларнинг келтирилиши кутилмоқда.

ГДРдан келтирилган 200 бош бузоқ ҳозирдаёқ Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг фермаларида жойлаштирилди. Ана шу зот сигирлар таркибида ёғи хўп бўлиб ғоят мазали сут беради.

(ЎзТАГ).

КООПЕРАТОРЛАР ҲУЗУРИДА

Ўтган шанба куни Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари кооператив ҳаракати раҳбарлари халқаро семинарининг қатнашчилари Москва томон бораётиб, Тошкент области кооператорларининг ишлари билан танишдилар.

Эрта тонгда чет эллик меҳмонлар Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозига йўл олдилар. Хўжаликнинг фаолияти тўғрисида колхоз раиси, «Центросоюз» советининг аъзолигига кандидат М. Убайдуллаева батафсил гапириб берди. Колхоз бугунги кунда республикадаги энг йирик аграр саноат хўжаликларидан бирига айланган. 4 минг гектар майдонга эга бўлган бу хўжаликда консерва цехи, комбикорм заводи мавжуд. 6 гектар майдонда теплица комбинати қурилиши олиб бориляпти. Асосий тармоғи сабзавоткорликдан иборат бўлган бу колхоз экономикаси йилдан-йилга мустаҳкамланаётир. Ўтган йили хўжалик ялпи даромади 5 миллион сўм атрофида бўлди. 1975 йилда ҳам шунча даромад олиш кутилмоқда. Бу эса хўжаликда маданий қурилишлар кўламини кенгайтиришга имкон беради. Колхозчиларнинг турмуш фаровонлиги янада яхшиланади. Колхозда болалар боғча ва яслиларига ҳар йили 150 минг сўм маблағ сарфланиши тўғрисидаги факт чет эллик кооператорларда катта таассурот қолдирди. Меҳмонлар кекса колхозчиларга қандай муносабатда бўлинаётганлиги ва уларнинг таъминоти қандай йўлга қўйилганлиги билан қизиқдилар. Хўжаликда 1800 нафар пенсионер мавжуд бўлиб, пенсия миқдори 120 сўмгача етаётганлигини эшитиб, ҳайратландилар. Колхозда спорт комплекси қурилиши учун 2,5 миллион сўм маблағ ажратилди. Колхоз командаси бўлган «Пахтакор» эса ҳозир Мали ва Нигериядаги учрашувларга жўнаб кетганлигини эшитиб, меҳмонлар колхоз кудратига қойил қолдилар.

М. Убайдуллаева меҳмонларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш, чорвачиликда наслчиликни яхшилаш, томорқа ва колхозда раснинг роли, шунингдек давлат ставкалари ҳамда кредитлар миқдори ва колхозчиларнинг умумий йиғилиши билан боғлиқ бўлган бир неча саволларга жавоб берди.

Чет эллик меҳмонлар район кооператорларининг бир қанча савдо корхоналари, шу жумладан «Чеҳра» унинермаги, «Дилором» озиқ-овқат магазини, хўжалик ва маданий моллар магазинларини кўрдилар. Меҳмонлар ҳозирги замон савдо комплекси «Гўзал»да ҳам бўлишди.

Савдо масканлари бўйлаб сафардан сўнг область матлубот союзи правлениесининг раиси Зиёдулла Хўжаев меҳмонларнинг саволларига жавоб берди. Ҳозирги пайтда область матлубот союзида 1 миллион 200 минг нафар киши хизмат кўрсатмоқда,— дейди раис,— савдо оборотн эса йилига ярим миллиард сўмни ташкил этаётир. Матлубот союзи савдо, умумий овқатланиш, ҳамда ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Ишлаб чиқариш борасидаги маблағ ҳажми 28 миллион сўмни ташкил этаётир. 22 та нонвойхона, 215 тандир цехи фаолияти шулар жумласидандир. «Ўзбекбирлашув» умумий тайёрлов маҳсулотларининг 47 процентини Тошкент область матлубот союзи зиммасига тўғри келиши айниқса қувончлидир.

Меҳмонлар Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозида ҳам бўлишди. Асосий тармоғи пахтачиликдан иборат бўлган бу хўжалик раиси М. Г. Хванга Латин Америкаси ва Шимолий Африка кооператорлари кўплаб саволлар бердилар. Колхоз раиси ишни ташкил қилиш, механизациядан фойдаланиш тўғрисида уларга кенг маълумот берди. Колхозда 54 пахта териш машинаси мавжуд бўлиб, бу 20 минг нафар қўл теримчисининг ишини бажармоқда. Меҳмонлар бу ерда намунали йўлга қўйган, У 40 йилдан бери бош бухгалтерлик касбида ишлаб келяпти. Ўтган давр мобайнида у 50 дан ортиқ малакали шогирд тайёрлади. Жойларда меҳнат қилаётган кўплаб бухгалтерлар биринчи таълимни Лутфулла акадан олишган. Улар ўз корхона, ташкилотларида яхши ҳисобдон бўлиш билан бирга мустаҳкам давлат назорати ҳам ўрчатганлар.

— Малакали бухгалтер меҳнат қилаётган корхона ва ташкилотда талон-тарожликка ўрин йўқ,— дейди ўртоқ Зиёев.

Дарвоқе шундай. Ўртоқ Зиёев бирг ишлаётган ходимлардан мунтазам малака ошириб боришни талаб қилади. Ўзи бевосита совхозларда бўлиб, молиявий интизомнинг қандай йўлга қўйилганлиги билан танишади, ҳисоб-китоб ишларининг боришини назорат қилади. Унинг дўстона ёрдами туфайли жойларда молиявий интизом мустаҳкамланиб боряпти.

Ҳозир ҳам Лутфулла Зиёев молия постида сергак. Ёши анчага борнб қолган бўлса-да, йигитлардек бардам. У бухгалтерия ходимлари билан бирга йил бўйи бажарилган ишларни ҳисоб-китоб қилиб, янги йилга мўлжалланган вазифаларни белгилаб чиқяпти. Оқ қоғозга тушаётган ҳар бир рақам якунловчи йилдаги катта муваффақиятлардан ва келгусидаги юксалишлардан ҳикоя қилади.

Е. МОРДУХАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ҲИСОБДОН

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

БИР қарашда бухгалтерларнинг иши кишига анча зерикарли туюлади. Рақамлар, ведомостлар, ҳисоботлар... Ҳаммаси бир-бирига ўхшайди. Лекин бу шарафли касб ходимларининг меҳнати билан яқиндан танишсангиз, улар юмуши нақадар мураккаб ва масъулиятли эканлигини чуқурроқ ҳис этасиз.

Корхонада молиявий интизомнинг мустаҳкамланиши, ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг яхшиланиши кўп жиҳатдан бухгалтерларнинг сезгирлиги ва ишчанлигига боғлиқ. Улар ҳар бир участкадан тушаётган фойда ёки келаётган зиённи пухта ҳисоб-китоб қилиб боради-лар ва шунга яраша тегишли чора-тадбирлар белгилайдилар. Чунки мунтазам анализ, ҳисоб-китоб ишлаб чиқаришни юксалтиришга ёрдам беради.

Дастлаб вақтларда Жданов номли, Ворошилов номли колхозларда, ҳозирда эса Калинин районидаги «Қорасув» совхозида бош бухгалтер бўлиб ишлаётган Лутфулла Зиёев ўзининг жонбозлиги, уста ва аниқ ҳисобдонлиги билан совхозда ҳисоб-китоб ишларини намунали йўлга қўйган, У 40 йилдан бери бош бухгалтерлик касбида ишлаб келяпти. Ўтган давр мобайнида у 50 дан ортиқ малакали шогирд тайёрлади. Жойларда меҳнат қилаётган кўплаб бухгалтерлар биринчи таълимни Лутфулла акадан олишган. Улар ўз корхона, ташкилотларида яхши ҳисобдон бўлиш билан бирга мустаҳкам давлат назорати ҳам ўрчатганлар.

— Малакали бухгалтер меҳнат қилаётган корхона ва ташкилотда талон-тарожликка ўрин йўқ,— дейди ўртоқ Зиёев.

Дарвоқе шундай. Ўртоқ Зиёев бирг ишлаётган ходимлардан мунтазам малака ошириб боришни талаб қилади. Ўзи бевосита совхозларда бўлиб, молиявий интизомнинг қандай йўлга қўйилганлиги билан танишади, ҳисоб-китоб ишларининг боришини назорат қилади. Унинг дўстона ёрдами туфайли жойларда молиявий интизом мустаҳкамланиб боряпти.

Ҳозир ҳам Лутфулла Зиёев молия постида сергак. Ёши анчага борнб қолган бўлса-да, йигитлардек бардам. У бухгалтерия ходимлари билан бирга йил бўйи бажарилган ишларни ҳисоб-китоб қилиб, янги йилга мўлжалланган вазифаларни белгилаб чиқяпти. Оқ қоғозга тушаётган ҳар бир рақам якунловчи йилдаги катта муваффақиятлардан ва келгусидаги юксалишлардан ҳикоя қилади.

Е. МОРДУХАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

МАОЧИ РАҲБАРЛАРНИНГ ТАЪЗИЯСИ

ПЕКИН. 22 ноябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги берган хабарида айтилишича халқ вакиллари Умумхитой мажлиси доимий комитетининг раиси фашист диктатор Франконинг вафоти муносабати билан Испаниянинг Пекиндаги элчихонасига гулчамбар юборган. Халқ вакиллари умумхитой мажлиси доимий комитетининг раиси Чжу Дэ ва Хитой ташқи ишлар министрлиги шу муносабат билан гумчамбарлар юборганлар.



Япония. Ишсизликка қарши кураш, меҳнаткашлар аҳволини яхшилашни талаб қилиб ўтказилаётган йиғилиш ва намойишларда минглаб кишилар қатнашмоқда. Яқинда Япония меҳнат министрлиги биноси олдида ана шундай намойиш бўлди. Қатнашчилар ишсизликни тугатиш, меҳнаткашлар турмушини яхшилаш учун ҳукуматдан зарур тадбирларни кўришни талаб қилдилар.

Жапан-Пресс-ТАСС фотоси.

ЁШ ШОИРНИНГ ИЛК ТЎПЛАМИ

ТАҚРИЗ

Ҳар бир шоир ижодида қай даражададир етакчилик вазифасини бажарувчи бир мавзу бўлади. Шоир имкони борича ўша мавзуни кенгроқ ёритишга, пухтароқ ишлашга ҳаракат қилади. Отаёрда эса муҳаббат ана шундай етакчи мавзу. Зотан ёш шоир Ғафур Ғулом номидаги санъат ва адабиёт нашриёти 1975 йилда нашр этган ўзининг биринчи китобини ҳам «Ишқим баёни» деб номлаган.

Отаёр ижод йўлини ўзига хос тушунади. У бу йўлнинг икки четги гулзор бўлишини истамайди. «Йўлим тошлоқ бўлса ҳам майли...» номли шеърида ёзади:

Чағир тошли йўл бернг менга,
Йўл сўнгида бўлсин толенм.
Йўл гардлари ннниб эгнимга
Толеимга интилай доим.

Ёш шоирнинг илк тўплами унинг ана шу йўлдаги дастлабки қадами эканини кўрсатиб турибди.

Юқорида айтганимиздек муҳаббат мавзуи Отаёрда бош мавзу. Лекин ёш шоирда у ошиқ ва маъшуқа муҳаббати тарзидагина намоён бўлмайди, балки кенг маънодаги муҳаббат талқин этилади. Бу — инсоннинг инсонга, инсоннинг ўз ғояларига, замонга, инсоният келажагига бўлган муҳаббатидир. Шу жиҳатдан ёш шоирнинг «Муҳаббат» шеърини программ шеър дейиш мумкин.

Мана шеърнинг бир банди:

Яшариб борадир замину
замон,
Гулларнинг узайиб борадир
умри,
Юлдузлар базмида косагул
инсон,
Қувонган юзларда эрклик
шуури...
Яшарнш тизгинини сен
тутдинг минбаъд,
Муҳаббат!

Отаёр шеърларининг лирик қаҳрамони ўзини, ўзлигини таниб олган курашчан, олий ниятларга интилувчи ёшлардан бири. Қаҳрамоннинг бундай қарашларини шоирнинг «Комсомол монологи», «Ҳаёллар», «Онамнинг мактублари», «Она дуоси» каби шеърларида ҳам кўриш мумкин.

Тўпламдаги «Қишлоқ», «Қаро кўзим», «Бувимнинг байтлари» сингари шеърларда лирик қаҳрамонни—шоирни улғайтган қишлоқ манзаралари, Ватанинг улуғвор ва азизлиги, заминнинг қутлуғлиги, тинчлик ва эзгуликнинг боқийлиги мадҳ этилган. Шоир ўзининг талабалик ва ёшлик йиллари хотиралари ҳақида фикрлаганда ҳам мақсадга муҳаббат мавзуи нуқтаи назардан ёндошади ва бу муҳаббат умумлашма характер касб этади.

Шоирнинг мана бу шеърини ўқинг:

Ғарчча тишлаб олди бола
Олманн.
Садаф тишчалари қамашиб
қолди.
Шу дам унутди у сутни—
Онани.

Ҳали она сутидан ўзга аччиқ-чучуқ нарсалар борлигидан бехабар бегубор ва пок гўдакнинг лаҳзалик ҳайрати, унинг бу ҳайратида акс этган ўта табиийлик ва бу таассуротларнинг аччиқ ва норози ифодаси маъносида гўдак кўз ёшларини унинг ўз юзига, қўлидаги олмасига, ерга томчилаши...

Таъсирчан, табиий, хаёлчан манзара. Бу — шеърхонни мушоҳадага, чинакам лирика туфайли бир лаҳза хаёл оғушида қолишга ундайди.

«Баҳор ёмғирида эгилиб хиёл...», «Хонамда суратинг осиғлик турар...», «Лола сайлида», «Аёзнинг туши» сингари шеърларда ҳам ана шу хусусиятни сезасиз.

«Ишқим баёни»даги «У кун», «Сени ўйлаганда», «Олисларда ой бўлиб кўриндинг...», «Қиз кўнгли» каби шеърларда муҳаббат мавзуи ўз маъносида, лирик чекинмаларда тасвирланса, «Баҳор шамоли», «Шаршара», «Тоғда», «Куз кечасида» шеърларида эса фалсафий фикрлашга мойиллик бўртиб кўринади. Шунинг учун ҳам тўпламдаги кўпгина шеърлар китобга сўзбоши ёзган Ўзбекистон халқ шоири Миртемирнинг фикрларини айниқса оқлайди.

«Отаёр ҳам, — деб ёзади Миртемир кичик сўзбошисида, — шеъриятимизнинг темир қанот ва балки учирма паллонларидан бири, умидбахш, уринчоқ, оригиналликка жазман, ҳаёли учқур, қобил...».

Бироқ, тўплам бир мунча шошиб тайёрлангани, айрим шеърлар таҳрир талаб эканлиги сезилади «Бу айём», «Висол», «Яна ёдга тушасан сулув», «Юр сайрга, юр» каби бир қатор шеърлар фикримизнинг далили бўла олади. Шунинг учун ҳам шоир Миртемир ўз сўзбошисининг сўнгида ёш шоир олдига қуйидагича талаб қўяди ва эзгу тилак билдиради:

«Шоирлик — замонамизда ардоқли ва лекин ўта меҳнатталаб, ўта жавобгар санъат эканлиги Отаёрнинг эсида бўлсин, ёдида бўлсин. Отаёр меҳнаткаш ва юксак маданиятли китобхондан: «Баллиғ» деган олқиш олиш даражасида асарлар яратишга тилакдошман».

Сўз сўнгида биз ҳам ёш шоирнинг бундан кейинги ижодида ҳайриҳоҳлигимизни билдириб, уни устоз Миртемир айтгандай «ўта меҳнатталаб, ўта жавобгар санъат»— шеърият олдида ўз бурчини оқлайверишига тилакдош бўлиб қоламиз.

Нурмат БОЗОРБОЕВ.

ТЕАТРНИНГ ЯНГИ СПЕКТАКЛИ

Тошкент Давлат академик рус драма театрининг репертуари яна бир янги спектакль билан бойинди. Украина ССРда хизмат кўрсатган артист В. М. Стритов Вальтер Газенклевернинг «Аршн аълода ўқилган никоҳлар» деб номланган комедиясини саҳналаштирди. Асарда буржуа вакилларнинг жирканч ҳаёти, кирдикорлари, дунё қараши кулги остига олиниб, комедия йўли билан фош этилади. Бу янги саҳна асари ўз олдига ҳар қандай инсон ўз бахтини ҳеч қандай илоҳий куч томонидан кутиб ўтирмай ўз бахтини ўзи бунёд этишга қодирдир деган ғояни тараннум этади.

Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Ф. Мансуров, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Л. Н. Грязнова, П. С. Дроздовлар спектаклда асосий ролларни ижро этишган. Бундан ташқари спектаклнинг саҳна кўриниши ва безакларини усталик билан ўз даври руҳига монанд ярата олган рассом В. А. Саруханованинг меҳнати мақтовга лойиқдир. «Аршн аълода ўқилган никоҳлар» спектаклининг премьераси талабчан театр мухлисларн кўнгидан муваффақиятли ўтди.

С. ХУСАНОВ.



ЯНГИБОЗОР: Юқори Чирчиқ район маркази тобора чирой очмоқда. Бу ерда турли маданий-маиший объектлар қад кўтаряпти. Суратларда: (юқорида) универсал магазиннинг умумий кўриниши. (Пастда) янги ишга тушган «Марҳабо» гастрономи.

В. Таран фотолари.

ИСТИҚБОЛ ЭГАЛАРИ

СТУДЕНТЛАР ҲАЁТИДАН

Пойтахтимиз кун сайин чирой очиб боряпти. Шаҳар маркази ва бошқа кварталларда қад кўтараётган янги-янги турар-жой ҳамда маданий-маиший бинолар сони тобора ортиб бормоқда. Бу биноларнинг кўркам лойиҳалар асосида яратилаётганлиги айниқса диққатга сазовор. Тошкент марказн лойиҳасининг муллифларидан бир группаси СССР Давлат мукофотига сазовор бўлишлари ҳам бежиз эмас.

Шуниси қувончлики, ана шу устоз архитекторлар ва инженерларнинг кўплаб ёш ўринбосарлари етишиб чиқаяпти. Бунда Тошкент политехника институти архитектура факультетининг катта ҳиссаси бор.

Яқинда биз шу факультетда бўлиб, студентларнинг ижодий ишлари билан қизиқдик. Факультет эшигидан киришингиз билан деворлардаги турли расмлар, портретлар, методик кўрсатмаларга нигоҳингиз тушади.

Мана шу ернинг ўзидан студентлар фаолияти ҳақида дурустгина маълумот олиш мумкин. Жумладан, турли тўгаракларнинг қатнашчилари томонидан чиқарилган деворий газеталар диққатни жалб қилади. Наққошлик тўгарагининг коллективи чиқарган деворий газета «Наққошлик мактаби» деб аталган. Моҳир нақш устаси Зокир Боситхонов бу тўгаракка раҳбарлик қилмоқда.

Кенг ва ёруғ хонада сокинлик ҳукмрон. Кишига аллақандай хуш ёқадиган, илҳом берадиган бу сокинликни тўгарак аъзоларининг қаламларидан чиқаётган майин товушлар бўлиб турибди. Кўпчилик талабаларнинг анча маҳорати ошиб қолганлиги улар чизаётган нақшларда ўз ифодасини топган.

Наққошлик мактабининг ташкил этилганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа даврнинг ўзи ҳам ижодий маҳоратнинг ошишига самарали таъсир кўрсатди. Ф. Ҳамидова, М. Мирзараҳимов, Д. Икромова, М. Толипов каби студентларнинг яратаётган нақшлари уларнинг санъатнинг бу соҳасида дурустгина муваффақиятларга эришаётганликларини кўрсатади.

Факультет кафедраларида бўлиб, студентлар лойиҳалаётган турар-жой бинолари, кинотеатрлар, маданий-маиший муассасалар ва бошқалар билан таништик. Бу лойиҳаларнинг аксарияти профессионал архитекторлар яратаётган лойиҳалар даражасига етай деб қолган.

Истиқбол эгалари бўлган ижодкор студентларнинг фаолияти ҳақиқатан ҳам мақтовга лойиқ.

Ш. НУРУЛЛАЕВ.

Ажойибботлар оламида

ТЎЙДАН КЕЙИН...

Қиз эрга тегди. Хўш, тўйдан кейин у кимнинг фамилиясида бўлиши керак. Ер юзидаги кўпгина мамлакатларда эрга теккан келин эри фамилиясини қабул қилади. СССР, Чехословакия, Швеция, Данияда келин ўз фамилиясида қолиши ё эри фамилиясини олиши ёки ҳар иккала фамилияда бўлиши мумкин. Лекин Италия, Португалия ва Туркияда келиннинг албатта эри фамилиясида бўлиши шарт. Африка мамлакатларида бунинг акси, эр ўз қаллиғи уйига кўчиб келиб албатта унинг фамилиясини олади.

Келин, куёвнинг кимнинг уйида яшашлари ҳам кўпгина мамлакатларда турлича ҳал қилинади. Швеция ва Польшада куёв, келин бир-биридан мустақил, ҳатто турли жойда яшаши ҳам мумкин. Бельгияда ёш оила ё куёв, ё қаллиқнинг уйида туришга ҳамиша тўғри келавермаса, барибир бошқа бегона уйда бўлса ҳам бирга туришлари лозим. Эр, хотиннинг қаерда туришлари масаласини одатда эр ҳал қилади. Италия, Аргентина, Швейцария ва Туркияда хотин ҳамма вақт эри кетидан қолмай, унга эргашиб юришга мажбур.

Эр, хотин ўртасида мулк ҳақидаги қонунлар ҳам қизиқ. Чунончи, Бельгияда эр оиладаги хусусий мулкни хотинининг розилигини олмасдан сотиш, бировга ҳадя қилиш, васият қилиб қолдириш ҳуқуқига эга. Люксембургда эса хотин эридан берухсат ҳатто ўз бисотини, уй-рўзғор буюмларини ҳам сотолмайди ёки бировга бера олмайди. Бу мамлакатда хотин эридан ижозатсиз ишга киролмайди, банк ёки омонат кассаларга пул қўя олмайди. Испанияда эр ўз хусусий мулкларини фақат хотинининг розилиги билан бошқара олади.

Баъзи Африка мамлакатларида хотинлар ўз кийимкечаклари ва ошхона жиҳозларига тўла ҳуқуқли хўжайин ҳисобланади. Масалан, Чад республикасида куёв тўйдан кейин келинга алоҳида омбор ажратиб, оила учун дон, озиқ-овқат ғамлаб беради ва бу хотин ихтиёрида бўлади, ўзга омборда эса бозорга аталган дон ёки бошқа маҳсулот сақланади — бунисн эса эрнинг хусусий мулки ҳисобланади.

БАЛИҚ ЗАҲАРИ

Ҳиндистон жанубий районларининг кўпида қишлоқ полициячилари ўз вазифаларидан ташқари яна бошқа ишни, яъни заҳарли илонлар тутиб, заҳарга қарши сиворотка ва томирюрак касалликларига шифо бўладиган дори-дармон ишлаб чиқариш пунктларига топшириш вазифасини ҳам бажарадилар.

Маълумки, илон заҳари жуда камёб ва қиммат бўлишига қарамай, унга бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб бораяпти.

Кейинги вақтларда ўтказилган тажрибалардан аниқланишича, Ҳинд океанида яшайдиган баъзи балиқлар ҳам илон заҳаридан қолишмайдиган заҳар бера оларкан. Масалан, океандаги шарсимон битта балиқ 12 та илон берадиган заҳардан ҳам кўп миқдорда заҳар берар экан. Яна бошқа бир тур балиқнинг фақат биттаси устидаги тиканларида 50 та кўзойнакли илон берадиган заҳардан ҳам кўп заҳар борлиги маълум бўлди.

ЭНГ ҚАТТИҚ УЙҚУ

Цюрих (Швейцария) шаҳар ҳайвонот боғининг директори профессор Хедигер узоқ йиллар ҳайвонлар уйқусини кузатгач, яқинда қизиқ маълумот эълон қилди. Масалан, маймун ва кўршапалакларнинг баъзи турлари фақат кўзларини эмас, ҳатто қулоқларини ҳам беркитиб ухларкан.


Табиий, душмани бўлмаган ҳайвонлар айниқса узоқ ва қаттиқ ухлашади. Бу жиҳатдан Шри Ланка, Жанубий Ҳиндистоннинг лаби осилган бесўнақай айиғи олдига тушадиган ҳайвон йўқ. У шу қадар кучли ҳайвонки, унга ҳатто йўлбарс ҳам бас келолмайди, шунинг учун у ҳеч ҳайиқмай мириқиб ухлайверади.

Пода-пода бўлиб яшайдиган ҳайвонлар кечалари албатта соқчи қўйишади. Қоровул алмаштириш фақат маълум вақтда, ҳайвонларга хос «тил»да берилган сигнал орқали бажарилади.

Профессор Хедигернинг айтишича, ҳайвонларнинг ҳатто уйқусида ҳам ҳавф билан ҳавфсизликни аҳрата оладиган махсус сезгилари бор экан. Масалан, ухлаб ётган фил бошига унинг шериги йўғон, огир оёғини қўйса ҳам пинагини бузмай ухлайверади, лекин ўзига хавфли бўлган салгина шитирлашни эшитди дегунча бирдан уйғониб кетади.

ЯНГИ МАРКА

СССР Алоқа министрлиги декабристлар қўзғолонининг 150 йиллигига бағишланган маркани муомалага чиқарди. Кичик почта маркасида рассом Д. Н. Кардовскийнинг «Декабристлар сенат майдонида» деган суратининг репродукцияси тасвирланган.



БЎСТОНЛИҚ. Райондаги Ломоносов номли 2-ўрта мактаб тарих ўқитувчиси Л. Якименко ташаббуси билан мактабда доҳий Ленин асарларини ўрганиш бўйича семинар ташкил қилинган. Бунда ўқитувчи техник қўлланмалардан ҳам фойдаланмоқда. Л. Якименко районда моҳир пропагандист сифатида ҳам танилган. Суратда: ўқитувчи Л. Якименко навбатдаги машғулотга тараддуд кўрмоқда.

И. Портнов фотоси.

АВТОМАТЛАР БОШҚАРАДИ

ТОШКЕНТДА транспортни автоматик бошқаришнинг янги системасини ишга тушириш мўлжалланмоқда. «Шаҳар» деб ном берилган бу система ҳаракат хавфсизлигини тўла таъминлайди, бир вақтнинг ўзида юзлаб чорраҳалардаги автомобиль оқимини бошқаради.

Янги системада асосий иш электрон-ҳисоблаш машинасининг зиммасига юкланади. Йўллардаги вазият, транспорт оқими тўғрисида ахборот олган бу машина светофорларга тез ва аниқ кўрсатма беради.

Кўчаларда транспорт ҳаракати тиғизлашиб бораётганлиги туфайли шаҳримизда янги системани жорий этиш зарурати туғилди. Тошкент давлат автомобиль инспекцияси ходимларига бу соҳада Омскдаги саноат автоматикаси махсус конструкторлик бюросининг ходимлари катта ёрдам беришди. Улар янги системанинг техник ҳужжатларини ишлаб чиқишди. Автотранспорт ҳаракатини бошқаришнинг янги системаси қурилиши келаси йилда бошланади.

«АСОСИЙ КУН»

КИНОЧИЛАРИМИЗ томошабинларга яна бир туҳфа тайёрлашди. «Ўзбекфильм» киностудиясида режиссёр Искандар Ҳамроев «Асосий кун» бадиий фильмини суратга олиб бўлди.

Бу фильмга ёзувчи Ўлмас Умарбеков ва режиссёр Искандар Ҳамроевлар ҳамкорликда сценарий ёзганлар. Янги лента 20-йиллардаги ўзбек қишлоғидаги воқеаларни тасвирлайди. Бунда ўша вақтда юз берган муҳим ўзгаришлар, қишлоққа келган биринчи трактор ҳақида ҳикоя қилинади.

Фильмда Юрий Кузменков, Ражаб Адашев, Лола Бадалова, Шуҳрат Эргашев, Лариса Зубкович сингари таниқли кино артистлари асосий ролларни ижро этишган. Тез кунлар ичида бу фильм томошабинлар эътиборига ҳавола қилинади.

ЗИЁ ТАРҚАТУВЧИЛАР

СИЕСИИ маориф системасида янги ўқув йили бошланди. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги кутубхона коллектори корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг кутубхоналарига марксизм-ленинизм классикларининг асарларини, ўқув программаси, қўлланмаларининг янги комплектларини юборадилар.

Коллектор ходимлари областимиздаги барча кутубхоналарни турли адабиётлар билан таъминлайдилар. Коллектив бир йил давомида тўрт миллион нусхада китоб жўнатди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Спорт

ЧОРАК ФИНАЛГА ЙЎЛЛАНМА

Европа чемпионатининг олтинчи саралаш группасида қатнашаётган СССР терма командаси футболчилари Швейцария командаси устидан муваффақият қозониб, чорак финалга биринчи бўлиб йўлланма олган эди. Шу боисдан ҳам Туркия терма командаси билан бўладиган учрашув якуни командамиз тақдирида ҳеч қандай ўзгартиш ясамасди. Шунга қарамай, совет футболчилари оғир обҳаво шароитида ҳам туркиялик спортчиларга қарши мардонавор курашдилар. Лекин рақиблар киритган ягона тўп ўйин тақдирини ҳал этди.

СССР ва Туркия ёшлар терма командалари ҳам Тошкентдаги учрашувда Европа чемпионатининг чорак финалига йўлланма олиш учун курашдилар. Учрашувнинг дастлабки дақиқалариданоқ, совет ёшлари ташаббусни қўлга олиб Туркия командаси дарвозасини кетма-кет тўпга тута бошладилар. Ниҳоят, 12-минутда Назар Петросян ҳисобни очди. 29-минутда эса СССР терма командаси составида қатнашган пахтакорчи Михаил Ан бурчак тўпини рақиб дарвозасига аниқ йўналтирди.

Иккинчи бўлимда ҳар иккала томон тез-тез ҳужумга ўтиб турди. Лекин совет футболчиларининг ҳужуми шиддатлироқ бўлди. Навбатдаги ҳужумларнинг бирида Виктор Аджен Туркия командаси дарвозасига учинчи тўпни тепди. Шу тариқа СССР ёшлар терма командаси Европа чемпионатининг саралаш матчларида муваффақият қозониб чорак финалга йўлланма олди.

Австралияда эса СССР олимпиячилари ўртоқлик учрашуви ўтказишяпти. Эсингизда бўлса, биринчи баҳсда ҳисоб очилмаган эди. Иккинчи учрашувда совет футболчилари 3:0 ҳисобида Австралия терма командаси устидан муваффақиият қозондилар. Навбатдаги баҳсда ҳам СССР спортчиларининг қўли баланд келди. Улар ўз рақибларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

УЧРАШУВЛАР ТУГАДИ

Оғир вазнли совет боксчиларининг АҚШ бўйлаб сафари тугади. Улар бу ерда америкалик оғир вазнли боксчилар билан уч марта учрашув ўтказдилар. Биринчи учрашувда АҚШ спортчилари ғолиб чиқишган эди. Иккинчи баҳсда совет боксчилари 7:2 ҳисобида ғалаба қозондилар. Энди ҳар иккала томоннинг умиди учинчи учрашувда қолган эди. Лекин бу гал ҳам совет спортчилари ўз куч ва маҳоратларини намойиш қилиб, америкалик боксчиларни 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Ғолиб боксчилар орасида тошкентлик Руфат Рисқиев ва Вячеслав Алексеев ҳам бор.

БИРИНЧИ ЛИГА ДАЪВОГАРЛАРИ

Келаси йилда биринчи лигада қатнашиш ҳуқуқи учун курашаётган иккинчи лиганинг энг кучли олти командаси Чимкентда финал мусобақаларини бошлаб юборди. Биринчи кунги матчларда Ашхободнинг «Строитель» командаси Маҳачқаланинг «Динамо» футболчилари устидан 3:1 ҳисобида устун келди. «Янгиер» — «Гурия», «Терек» — «Даугава» командалари учрашуви эса 1:1 ҳисобида тугади. Эндн 26 ноябрда «Янгиер» ашхободлик футболчилар билан учрашади.

РЕКЛАМА • ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 —МОСКВА. 17.50—ТОШКЕНТ, 17.55 — «Ёш куч». 18.35 — «Фан». 19.05 — Шахмат турнири. 19.25 — «Ахборот». 19.40 — Адабий кўрсатув. 20.30 — Ўн минут музика. 20.40 — «Ахборот». 21.00 Пахтазор —мардлар майдони. 21.15 — Концерт. 22.00 — МОСКВА. «Ваҳт». 22.30 —Хоккей: МАСК —Динамо (М). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 17.50 — МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 —Қувноқ нотлар. 19.30 — Инсон ва қонун. 20.00 — Концерт. 20.20 — БАМ—мардлик трассаси. 20.30 — Кунлар ва тунлар (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 20.00—ТОШКЕНТ. 20.05 —Кинофильм. 20.25 —Ўқув кўрсатуви. 21.05 —Тошкент янгиликлари. 21.20 — Халқ чолғу асбоблари тарихидан. 22.00 — Мени кутгил (бадиий фильм).

КИНО

Яшаш учун яшаш — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ҚОЗОҒИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Бобби — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Олийжаноб ўғри —«НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Ўрта Осиё темир йўли нинг Тошкент йўл дистанцияси коллективи, партия ва касаба союз ташкилотлари Тошкент йўл дистанцияснининг бошлиғи

Илҳом Эшоновнч КАМОЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)
Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дам 330258 гача
Эълонлар — 338142.

Р. 20082. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26 Индекс 64634. Б—3480.